

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИННИ
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ

ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИННИ
БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ

ИЛМИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ
ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ

МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОНЛАРНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ

ЭКСПЕРТ КЕНГАШИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

**ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

**ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

**ИЛМИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ
ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

**МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОНЛАРНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

**ЭКСПЕРТ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**



УЎК 378.245(575.1)(062.13)
КБК 74.4 (5Ў)
Ў 32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг низомлари / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси. Тошкент, 2016. - 280 б.

ISBN 978-9943-4754-6-5

УЎК 378.245(575.1)(062.13)

КБК 74.4 (5Ў)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг низомлари: Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом, Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом, Малакавий имтиҳонларни ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низом, Эксперт кенгашни тўғрисидаги низом.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегиншили қарорлари билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган.

Положения Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан: Положение о научном совете по присуждению учёной степени доктора наук, Положение о порядке присуждения учёной степени доктора наук, Положение о порядке присвоения учёных званий, Положение о порядке проведения квалификационных экзаменов, Положение об экспертном совете.

Утверждены соответствующими постановлениями Президиума ВАК Республики Узбекистан и зарегистрированы в Министерстве юстиции.

Provisions of the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan: Provisions on the Scientific Council Giving a Scientific Degree of 'Doctor of Science', Provisions on Conferment of the Scientific Degree of 'Doctor of Science', Provisions on Conferment of an Academic Status, Provisions on Qualification Examinations, Provisions on the Expert Council.

Approved by the correspondent resolutions of the Presidium of the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and registered by the Ministry of Justice.

ISBN 978-9943-4601-4-0

© Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, 2016.

**ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМ**



Іса РСТУ АРМ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2016 йил
28 апрелдаги 224/7-сон қарори билан
тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2016 йил 8 июня 2796 рақам
билингвальдик рўйхатдан ўтказилган

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш (бундан буён матнда Илмий кенгаш деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.



1-боб. Умумий қоидалар

1

Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Илмий кенгаш – муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликлари йўналишида илмий даража талабгорлари учун кўзда тутилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридағи Олий аттестация комиссияси (бундан буён матнда ОАК

деб юритилади) қарори билан етакчи олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида муайян муддат давомида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкилий тузилма;

талабгор – диссертацияси ҳимоя учун Илмий кенгашда қабул қилинган ва аттестация йигмажилди кўрилиш жараёнида бўлган шахс;

изланувчи – олий ўкув юртидан кейинги таълим институтларида диссертация тадқиқотларини олиб бораётган шахс;

аттестация – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестацияси жараёнида, шу жумладан малакавий имтиҳонларни қабул қилиш, диссертация апробацияси (муҳокамаси) ва ҳимоясини ўтказиш ҳамда диссертацияни ОАКда экспертизадан ўтказиш асосида талабгорларнинг (изланувчиларнинг) назарий билим ва касбий тайёргарлик даражасини ҳамда диссертация сифати ва олинган натижаларининг янгилигини баҳолаш;

диссертация – муаллиф томонидан шахсан олиб борилган, тадқиқот моҳияти тегишли талабларга жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли равишда асослаб берилган кўлёзма ҳукуқига эга бўлган илмий асар;

диссертация автореферати – диссертация тадқиқоти юзасидан умумий маълумотлар келтирилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли равишда умумлаштирилган ҳолда қисқача баён қилинган ҳамда нашр этилган ишлар юзасидан маълумотлар берилган ва тегишли тавсиялар асосида расмийлаштирилган кўлёзма ҳукуқига эга бўлган илмий асар;

диссертация бажарилган муассаса – олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгаши қарори билан диссертация мавзууси бўйича тадқиқот олиб бориш учун масъул муассаса (муассасалар) сифатида тасдиқланиб, «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилинган ташкилот;

экспертиза – ҳужжатларнинг моҳияти ва амалга оширилган аттестация тадбирларининг тегишли қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини илмий ва меъёрий-техник жиҳатдан баҳолаш;

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш (бундан бўён матнда Бир марталик илмий кенгаш деб юритилади) – фақат битта докторлик диссертацияси ҳимоясини ташкил қилиш учун ОАК қарори билан тузилган илмий-ташкилий тузилма;

Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар (бундан бўён матнда Илмий семинар деб юритилади) – диссертацияни якуний дастлабки экспертизадан ўтказадиган семинар;

диссертация ҳимояси – тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, хуносалари, тавсияларининг тўғрилиги ва асосланганлиги, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти, талабгорнинг фанга қўшган ҳиссаси бўйича илмий жамоатчилик олдида ўтказиладиган муҳокама;

илмий маслаҳатчи – тегишли олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарори билан муюян изланувчига белгиланган тартибда илмий маслаҳатчи сифатида бириктирилган ва бу ҳақдаги маълумот «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилинган мутахассис;

жамоавий тақриз – ОАК томонидан юборилган диссертацияни кўриб чиқиши натижалари юзасидан Илмий кенгашнинг қўшимча хуносаси;

ҳисоб комиссияси – Илмий кенгаш мажлисида Илмий кенгаш аъзолари томонидан талабгорга фан доктори илмий даражасини бериш бўйича ёпиқ овоз бериш асосида муносабат билдириш жараёнини ташкил этиш юзасидан мазкур Илмий кенгаш қарори билан тузилган вақтинчалик ишчи гурӯҳ;

апелляция – фан доктори илмий даражасини бериш ёки уни беришни рад қилиш ёхуд илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган мурожаат.

2 Илмий кенгаш диссертациялар экспертизасининг сифатлилиги, холислиги, диссертация ҳимояси учун зарур шароит яратилиши ва қабул қиласиган қарорларининг асослилиги учун масъулдир.

МУНДАРИЖА

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом	3-41
Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом	42-58
Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом	59-80
Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом	81-90
Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом	91-101

*

СОДЕРЖАНИЕ

Положение о научном совете по присуждению учёной степени доктора наук	102-133
Положение о порядке присуждения учёной степени доктора наук	134-150
Положение о порядке присвоения учёных званий	151-172
Положение о порядке проведения квалификационных экзаменов	173-182
Положение об экспертном совете	183-194

CONTENTS

Provisions on the Scientific Council Giving a Scientific Degree of 'Doctor of Science'	195-221
Provisions on Conferment of the Scientific Degree of 'Doctor of Science'	222-236
Provisions on Conferment of an Academic Status ...	237-254
Provisions on Qualification Examinations	255-263
Provisions on the Expert Council	264-273

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси низомларининг рус тилига таржимаси А.Юсупов, А.Даминов, С.Зулунов, Ю.Иноятова ва К.Тўхтабековлар томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси низомларининг инглиз тилига таржимаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ходимлари – Э.Д.Муратова ва Г.И.Эргашева томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси низомларининг рус ва инглиз тилларидағи матни Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан таҳтиридан ўтказилди.

Мунозарали ҳолатларда ўзбек тилидаги матн асосий матн ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Низомлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг низоми – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига низоми – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид тегишили комплекс тартиб-қоидалар белгилаб берилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган хужжат.

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом – фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашни тузиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш ҳамда мазкур илмий кенгашда докторлик диссертациялари ҳимоясини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган хужжат.

Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом – фан доктори илмий даражасини тасдиқлашнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган хужжат.

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низом – профессор, катта илмий ходим ва доцент илмий унвонларини тасдиқлашнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган хужжат.

Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом – малакавий имтиҳонларнинг тўлақонли жараёнини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган хужжат.

Эксперт кенгashi тўғрисидаги низом – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига ваколатли давлат органининг эксперт кенгashi фаолиятини ташкил этишнинг тартиб-қоидалари яхлит ҳолда белгилаб берилган хужжат.